

СОМАТИЗАЦИЯЛАШГАН ДЕПРЕССИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тураев Б.Т., Очилов У.У., Алкаров Р.Б.,

Самарқанд давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме,

Ушбу мақолада соматизациялашган депрессия билан касалланган 121 та беморнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ўрганилиб чиқилган. Текширувлар натижасида биполяр депрессия билан касалланган беморларда ижтимоий-демографик хусусиятлар оғирроқ кечиши аниқланган. Биполяр аффектив бузилиш гуруҳида катта ёшдаги беморларда устунлик мавжудлиги, касалликнинг анча эрта ёшда намоён бўлиши, ногиронлик даражаси юқори бўлиши ва авлодида руҳий касаллик билан касалланганлар анча кўплиги аниқланди.

Калит сўзлар: соматизациялашган депрессия, ижтимоий-демографик хусусият, биполяр аффектив бузилиш, рекуррент депрессия, эҳтимолий биполяр депрессия.

СОЦИАЛЬНО - ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ СОМАТИЗИРОВАННОЙ ДЕПРЕССИИ

Тураев Б.Т., Очилов У.У., Алкаров Р.Б.,

Самаркандский государственный медицинский институт.

✓ Резюме,

В данной статье рассматриваются социально-демографические характеристики 121 пациента с соматической депрессией. Исследования показали, что пациенты с биполярной депрессией имеют более серьезные социально-демографические характеристики. В группе биполярного аффективного расстройства преобладание было обнаружено у пожилых пациентов, заболевание проявлялось в гораздо более раннем возрасте, степень инвалидности была выше, а распространенность психических заболеваний у потомства была намного выше.

Ключевые слова: соматическая депрессия, социально-демографическая характеристика, биполярное аффективное расстройство, рекуррентная депрессия, потенциальная биполярная депрессия.

SOCIO-DEMOGRAPHIC CHARACTERISTICS OF SOMATIZED DEPRESSION

Turaev B.T., Ochilov U.U., Alkarov R.B.,

Samarkand State Medical Institute, 140100 Uzbekistan Samarkand Amir Timur str 18 <http://pharmi.uz/ru>.

✓ Resume,

This article examines the socio-demographic characteristics of 121 patients with somatic depression. Studies have shown that patients with bipolar depression have more severe socio-demographic characteristics. In the bipolar affective disorder group, predominance was found in older patients, the disease manifested at a much earlier age, the degree of disability was higher, and the prevalence of mental illness in the offspring was much higher.

Keywords: somatic depression, socio-demographic trait, bipolar affective disorder, recurrent depression, potential bipolar depression.

Долзарблри

Соматовегетатив бузилишлар "соматизациялашган депрессия" учун атроф-муҳит шароитлари ва ижтимоий таъсирлар омиллари, урбанизация, юқори ижтимоий ҳаётнинг жадаллашуви асосий хавф омиллари деб қаралади [2]. Бундан ташқари мактабгача ёшдаги болаларда жароҳатнинг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга, бу ўсмирлик ёки вояга етиш даврида депрессия ривожланиш хавфини, шунингдек, ўз жонига қасд қилишга мойиллиги эҳтимолини оширади. Болалигида ҳаддан ташқари зўриқиши бўлган болаларда тушуниб бўлмайдиган симптомларга, асосан, сурункали танадаги оғриқлардан шикоят қилишади [4,7]. Бирламчи тиббиёт бўғинидаги беморларда оддий депрессия кенг тарқалган бўлиб, уларнинг таркибида гипотимия ва хавотир билан боғлиқ соматоформ бузилишлар кузатилади [1,5]. Маълумки, хавотир, баъзи ҳолларда, "психовегетатив синдром"нинг пайдо бўлиши билан намоён бўлиб

келади [3]. Аффектив бузилишлар кўпинча соматик ниқобланган бўлиши мумкин [6]. Шу сабабли, ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика нуқтаи назарида аффектив бузилишнинг рекуррент, биполяр ва соматизацияланган депрессиянинг клиник ва психопатологик мезонларини аниқлаш, нафақат, психиатрик, балки умумий тиббий нуқтаи назардан ҳам долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Рекуррент ҳамда биполяр типдаги депрессиялардаги аффектив бузилишлар соматизацияланишининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Самарқанд вилоят психоневрологик диспансери базасида, 2018-2019 йиллар давомида ўтказилди. Текшириш учун 121 нафар бемор олинди. Улардан 88 нафари аёл ва 33 нафари эркак, уларнинг нисбати 1:3 га тўғри келади. Ўртача ёши ($52,4 \pm 1,25$ ёш), шу жумладан,

ушбу даврда бўлган моно ёки биполяр турга эга бўлган соматизацияланган депрессия билан касалланган барча беморларнинг ушбу ҳолатларни ўрганиш учун тиббий ҳужжатларини синчковлик билан таҳлил қилинди (ҳудудий поликлиникаларнинг амбулатория ва стационар карталари, соматик шифохонанинг тиббий ёзувларидан кўчирма) ва диагностик суҳбатдан ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий усули клиник кузатувлар ва анкеталар, статистик маълумотлардан иборат.

Натижа ва таҳлиллар

ХКТ-10 мезонларига мувофиқ депрессив бузилишнинг мавжудлиги (F33 рекуррент депрессив бузулиш, F31 биполяр аффектив бузилиш), биполяр аффектив бузилиш учун замонавий "илғор" диагностика мезонларидан фойдаланган ҳолда клиникасини ва бузилишлар динамикасини таҳлил қилиш бизга учта клиник гуруҳга бўлишимизга имкон берди: 1) рекуррент депрессив бузилиш синдромни ташхиси билан - 62 киши; 2) II тип биполяр аффектив бузилиш ташхисини (DSM-IV бўйича) - эҳтимолий биполяр депрессия - 39 киши; 3) биполяр аффектив бузилиш ташхиси билан - 20 та бемор.

Диаграмма 1.

Беморларнинг ташхисига кўра тақсимланиши



1 - диаграммада текширилаётган беморлар BSDS (Bipolar Spectrum Diagnostic Scale) шкаласи ёрдамида ўтказилган клиник, психопатологик ва клиник-динамик ишларда, организмдаги депрессив эпизодли аффектив бузилишларни ўрганиш мақсадида 3та клиник тур ажратилган.

Маълумотлар беморларнинг ўзларидан ва уларнинг оила аъзоларидан рухсат олиб йигилди. Бунинг учун, асосан, беморнинг ўзи билан суҳбат ёки уларнинг касаллик варақалари асосий манба сифатида қаралди. Олинган барча маълумотлар жадвал шаклида тўлдирилди.

1-жадвалда танланган клиник гуруҳларга қараб беморларнинг ижтимоий-демографик хусусиятларнинг қийсий таҳлил натижалари келтирилган.

Рекуррент депрессив бузилиш гуруҳида беморларнинг катта қисмини 50 (80,6%) аёллар ташкил этди, ўрганиш пайтида ўртача ёши $51,8 \pm 1,8$ ёшни ташкил этди, 55 ёш ва ундан катта ёшдагилар гуруҳда кўпчиликни ташкил этар эди. Ривожланган касалликнинг намоён бўлиши ва аффектив бузилиш (манифест) нинг ўртача ёши $37,5 \pm 1,6$ ёшни ташкил этди. Таълим нуқтаи назаридан, беморларнинг аксарияти ўрта махсус 26 (41,9%) ва олий 21 (33,9%), камроқ ўрта ва туганланмаган олий маълумотларга эга 7 киши (12,9%). Доимий иш жойларига эга бўлганлар 35 (56,5%), улардан 20 (32,3%) ходимлар, 9 (14,5%) ишчи мутахассислик вакиллари ва 5 (8,1%) раҳбарлардир. Гуруҳнинг учдан бир қисмидан кўпроги (22, 35,5%) ногиронликлари мавжуд бўлган беморлардир. Оилавий аҳволига кўра уйланганлар - 38 (61,3%), ажрашганлар - 11 (17,7%), бевалар - 9 (14,5%) ва ёлғизлар - 4 (6,5%) киши бўлган. Болалари бўлган беморлар 49 (79,0%) кишини ташкил этади. Оилавий анамнездан гуруҳнинг деярли ярмида (29 бемор, 46,8%) авлодида руҳий касалликлар борлиги аниқланди.

Эҳтимолий биполяр депрессия ташхиси қўйилган гуруҳдаги ўртача ёш бошқа ёшдагиларга нисбатан анча ёш бўлиб, $46,7 \pm 1,9$ ёшни ташкил этди, 30 ёшдан 54 ёшгача бўлган гуруҳ вакиллари устунлик қилди (24 та

1-жадвал

Клиник маълумотларга кўра, беморларнинг ижтимоий-демографик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Рекуррент депрессив бузилиш n = 62		Эҳтимолий биполяр депрессив бузилиш n = 39		Биполяр аффектив бузилиш n = 20	
	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
Жинс	12 (19,4%)	50 (80,6%)	14 (35,9%)	25 (64,1%)	7 (35%)	13 (65%)
Ўртача ёш	$51,8 \pm 1,8$		$46,7 \pm 1,9$		$59,8 \pm 3,0$	
Олий маълумотли	21 (33,9%)		27 (47,6%)		6 (30,0%)	
Тугалланмаган олий	7 (12,9%)		10 (25,6%)		2 (10,0%)	
Ўрта махсус таълим	26 (41,9%)		10 (25,6%)		12 (60,0%)	
Ўрта таълим	7 (12,9%)		2 (5,1%)		0	
Ишлайди	35 (56,5%)		24 (61,5%)		4 (20,0%)	
Бошқарув лавозимида	5 (8,1%)		5 (12,8%)		1 (5,0%)	
Ходим	20 (32,3%)		11 (28,2%)		0	
Ишчи контингенти	9 (14,5%)		8 (20,5%)		3 (15,0%)	
Ногиронлик гуруҳи бор	22 (35,5%)		5 (12,8%)		13 (65,0%)	
Ўртача манифест ёш	$37,5 \pm 1,6$		$34,4 \pm 1,8$		$20,6 \pm 0,9$	
Болаларнинг мавжудлиги	49 (79,0%)		29 (74,4%)		20 (100,0%)	
Ёлғиз	4 (6,5%)		5 (12,8%)		0	
Қайта турмуш қуриш	9 (14,5%)		8 (20,5%)		4 (20,0%)	
Ажрашган	11 (17,7%)		9 (23,1%)		4 (20,0%)	
Бева	9 (14,5%)		4 (10,3%)		6 (30,0%)	
Авлодида руҳий касаллик бор	29 (46,8%)		17 (43,6%)		13 (65,0%)	

ҳолат - 61,5%). Манифестнинг ўртача ёши $34,4 \pm 1,8$ ёшни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг асосий қисми олий маълумотлилардир. Олий маълумотга эга бўлганлар - 27 (47,6%), тугалланмаган олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар - 10 (25,6%), ўрта маълумотли - 2 (5,1%) нафарни ташкил этди. Доимий иш жойига эга бўлганлар 24 киши (61,5%) бўлиб, ушбу гуруҳда устунлик қилади, шундан 11 (28,2%) ходимлар, 8 (20,5%) ишчи мутахассислик вакиллари, 5 киши (12,8%) раҳбарлик лавозимида фаолият олиб боради. 5 та (12,8%) беморда ногиронлик гуруҳи борлиги аниқланди. 20 киши турмуш қурган (51,3%), 9 киши (23,1%) ажрашган, 5 киши (12,8%) турмуш қурмаган, 4 киши бева (10,3%). 29 беморнинг (74,4%) фарзандлари бор. Авлодида руҳий касалликлар кўрсаткичи 17 ҳолатда (43,6%) аниқланган.

Биполяр аффектив бузилиш гуруҳида эркакларнинг аёлларга нисбати 1:2 ни ташкил этди 7 эркак (35,0%) ва 13 аёл (65,0%). Текшириш пайтида ўртача ёши $59,8 \pm 3,0$ ёш бўлиб, 55 ёш ва ундан катта ёшдаги одамлар устунлик қилди. Ўртача манифест ёш $20,6 \pm 0,9$ ёш этиб белгиланди. Беморларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга (12 киши, 60,0%), олий маълумотли 6 (30,0%) ва тугалланмаган олий 2 (10,0%) ни ташкил этади. Тадқиқот пайтида беморларнинг доимий иши йўқ эди. У ерда атиги 4 киши (20,0%) фаолият юритиб, шундан 1 (5,0%) маъмурий ва 3 (15,0%) ишчи мутахассис бўлиб ишлайди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг ярмидан кўпи (13 киши, 65,0%) ногирон эди. Оилавий аҳволига кўра, 11 киши уйланган (55,0%), бевалар 6 (30,0%), ажрашганлар 4 (20,0%) ва барча беморларнинг фарзандлари бўлган. Оилавий анамнездан беморларнинг ярмидан кўпроғида 13 бемор (65,0%) руҳий касалликлар билан боғлиқ бўлган ирсият бор эди.

Хулосалар

Ижтимоий-демографик кўрсаткичларнинг гуруҳлар ўртасидаги фарқлари аниқланади. Биполяр аффектив бузилиш гуруҳида 55 ёшдан катта ёшдаги беморларда устунлик мавжуд. Эҳтимолий биполяр депрессия гуруҳида эса 30 дан 54 ёшгача бўлганларда устунлик бор. Касалликнинг намоён бўлиш ёши биполяр

аффектив бузилиш гуруҳидаги беморларнинг энг ёш бўлиб, бу адабиётга мос келади. Белгиланган ногиронлиги бўлган беморларнинг сони биполяр аффектив бузилиш гуруҳида статистик жиҳатдан анча юқори ($p < 0.05$ билан). Биполяр кечиб (эҳтимолий биполяр депрессия ва биполяр аффектив бузилиш) бўлган гуруҳларда такрорий депрессив бузилиш билан оғриган беморларга қараганда, такрорланган никоҳлар кўпроқ учрайди. Масалан, рекуррент депрессив бузилиш билан оғриган беморлардан бири ҳаёти давомида 8 та никоҳни қайд этган, улардан 4 таси расмий. Эҳтимолий биполяр депрессия билан оғриган беморлар орасида барқарор оилавий аҳволга эга бўлган одамлар нисбати ҳам юқори. Энг кам биполяр аффектив бузилиш бўлган беморлар орасида барча гуруҳлардаги беморлар анамнездан авлодида руҳий касаллик билан касалланганлар борлиги аниқланди, аммо бу биполяр аффектив бузилиш гуруҳидаги беморларда кўпроқ учради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алфимова М. В. и др. Влияние тревоги на когнитивные процессы при депрессивном синдроме // Социальная и клиническая психиатрия. - 2017. - Т. 27. - №. 1. - С. 5-12
2. Бобров А. Е. Проблема психосоматических соотношений и некоторые методологические вопросы психопатологии // Социальная и клиническая психиатрия. - 2017. - Т. 27. - №. 1. - С. 98-103.
3. Моор Л. В., Рахмазова Л. Д. Клинико-психопатологические особенности агорафобии с паническим расстройством у пациентов отделения не психотических психических расстройств // Омский психиатрический журнал. - 2016. - №. 1 (7). - С. 23-25.
4. Петрова Н. Н. К вопросу о коморбидности биполярных аффективных и тревожных расстройств // Социальная и клиническая психиатрия. - 2016. - Т. 26. - №. 2. - С. 106-110.
5. Тураев Б.Т., Хаятов Р.Б. Суицидальные намерения у лиц с синдромом алкогольной зависимости при наличии депрессивных расстройств // "Вестник врача" - 2019. - №2. - С. 114-116.
6. Chisholm D. et al. Scaling-up treatment of depression and anxiety: a global return on investment analysis // The Lancet Psychiatry. - 2016. - Т. 3. - №. 5. - С. 415-424.
7. Meier, S. М. Специфичные тревожные расстройства и риск развития биполярного аффективного расстройства: общее национальное исследование // World Psychiatry (на русском языке). - 2016. - Vol.15, №2. - P.187-188.

Келиб тушган вақти 09.03. 2020